Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 19 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 45 (12.858)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

«КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг устувор вазифа ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, шу жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш;

кексалар, аввалambор, фашизм устидан қозонилган ғалаба ва Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхатини кенгайтириш, уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, «Нуроний» жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш миқёсини ошириш;

фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, кўриш ва эшитиш органлари, таянч-ҳаракат тизими ва юрак-қон томир касалликларини даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

мамлакатимизнинг мудофаа қобилияти, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, жамиятимизда тинчлик, тотувлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлашга бебаҳо ҳисса қўшган, соғлом ва баркамол униб ўсаётган авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаётган кекса авлод вакилларига муносиб эътибор қаратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни тизимли асосда амалга ошириш, оила ва жамиятда ёши улуғ инсонларнинг ўрни ва обрўсини ошириш, болалар ва ёшларни ота-оналарни, ҳар бир нуронийни чуқур ҳурмат қилиш, эъзозлаш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш туйғуси руҳида тарбиялаш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, телевидение, оммавий ахборот воситалари, кинотеатрлар, театр ва бошқа маданий-маърифий муассасаларда ёши улуғ инсонларнинг қизиқишларига мос мавзуда янги махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар яратиш ва эфирга узатиш ҳажмини кўпайтириш;

маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган секторни мустаҳкамлаш, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идора ва хизматлар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий таъминот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни назарда тутиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 12 декабрдаги 4393-фармойишига мувофиқ тузилган Республика комиссияси томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссиясига (Ш.Мирзиёев) «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш юклансин.

Республика комиссияси:

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин ва уларнинг зиммасига Давлат дастурида белгиланган вазифаларни сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин;

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, ҳудуд, шаҳар, туман ва аҳоли пунктларининг «Кексаларни эъзозлаш йили» бўйича ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилинишини таъминласин;

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари даражасида тасдиқланган Давлат дастурига киритилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича ишларни мувофиқлаштирсин ва ушбу тадбирлар амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

ҳар чорак якунлари бўйича «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб борсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет-ресурсларни жалб этган ҳолда, аҳоли ўртасида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш бўйича асосий йўналишлар ва чора-тадбирлар мунтазам ва кенг кўламда ёритилишини;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишдаги иштироки ва қўшган аниқ ҳиссасини акс эттирган ҳолда, Давлат дастурининг бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб боришни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 18 февраль

29 март — Сайлов куни

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси ҳал қилувчи босқичга кирди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олгандан сўнг сайловолди ташвиқоти бошланди. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ билан ушбу муҳим сиёсий жараёнга кўрилаётган тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида суҳбатлашди.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОН КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

– Асосий Қонунимизда Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаши, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафолати экани мустаҳкамлаб қўйилган, – деди М.Абдусаломов. – Шу йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимизнинг янги тарихида ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуклиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Шу муносабат билан сайловга энг юксак ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник даражада тайёргарлик кўриш, уни миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга тўлиқ мувофиқ ҳолда очиқ-ошкора ва адолатли ўтказиш катта аҳамият касб этади. Бунинг учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароит яратилган.

Маълумки, сайловлар — бу кучли фуқаролик жамиятига эга демократик-ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси бўлиб, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ҳаёти, давлат ва жамият бошқарувида ва давлат ҳокимиятини шакллантиришда бевосита иштирокининг асосий шаклидир.

Шу боис демократия талаблари ва мустақил тараққиётимиз шартларига мос, фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган, сайлов ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришнинг ишончли кафолати бўлган замонавий сайлов тизимининг яратилиши истиқлол йилларида мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар ва уларнинг самарадорлиги, аввало, ислоҳотларнинг «ўзбек модели» тадрижий хусусиятга эга экани билан боғлиқдир. Бундай ислоҳотлар демократик сайлов тизимини шакллантириш соҳасида ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур тизимнинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлади ва шу тарика давр ва ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда, янада такомиллаштириш имкониятини яратди.

– Бу йил ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўзига хос қандай хусусиятларга эга?

– Президент сайлови бўйича 2015 йилги сайлов кампанияси сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитлар, партияларо рақобат, аҳолининг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Ўзбекистонда кенг кўламли ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш давомида сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларни демократлаштириш ҳамда эркинлаштиришда салмоқли ютуқларга эришилди. Аввалambор, мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик ва фуқаролар тотувлигининг мустаҳкамлиги, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг муттасил ортиб бораётгани энг асосий ютуқларимиздандир. Яна шуниси муҳимки, бир пайтнинг ўзида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Фуқароларимиз онги ва тафаккури, эътиқодида рўй берган туб ўзгаришлар, уларда атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, фуқаролик бурчи ва эртанги кунимиз, Ватанимиз тақдирига шахсий жавобгарлик ҳиссининг ортиб бораётгани ушбу жараёнларнинг муҳим омили ҳамда манбаига айланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бир гуруҳ йигитларни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

● Урганчда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилояти ҳокимлиги, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари, халқаро ташкилотлар экспертлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари ҳамда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг ота-оналари иштирок этди.

● Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуасида «Грет Индиа Экспо» компанияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан «Ҳиндистон ярмаркаси» савдо кўргазмаси ўтказилмоқда. Ушбу ярмаркада Ҳиндистоннинг тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги, уй-рўзғор буюмлари, тақинчоқлар, эсдалик совғалари ва ҳунармандчиликнинг қатор йўналишларида иш олиб бораётган 20 дан зиёд фирма, компанияси томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилди.

● Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят театрида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистон ҳукумати прогнозларига кўра, мамлакат иқтисодиёти 2015 йилда 7,4 фоизга ўсади. Бу Хитойдаги ўсиш суръатларига мосдир. Бироқ бундай жадаллашиш нафақат иқтисодиётнинг тикланиши, балки ялпи ички маҳсулотни ҳисоблаш усулининг кескин ўзгариши билан ҳам боғлиқдир. Янги методологияни қўллаш орқали чиқарилган илк кўрсаткичлар ўтган молия йилида ўсишнинг тезлашганини кўрсатди. Унга кўра, ўсиш даражаси аввалги 4,7 фоиз ўрнига 6,9 фоизни ташкил этган.

● Хубэй вилоятининг Ухань шаҳрида P4 биологик хавфсизликни таъминлаш лабораторияси иш бошлади. Мамлакатда бот-бот кузатилаётган юқумли касалликларнинг хавфини бартараф этиш мақсадида фаолиятини бошлаган лаборатория ҳукумат ташаббуси билан Хитой Фанлар академияси томонидан яратилди.

Сайлов — 2015

АКМАЛ САИДОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 17 февраль куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг раиси Ж.Иноғомов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ф.Муҳиддинова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда Ўзбекистон халқининг миллий-маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини сақлаш ва бойитишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, маҳалла миллий демократик институтини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий-маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини кучайтириш юзасидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Айни пайтда миллий бозорни сифати паст, халқаро андозаларга мос келмайдиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)дан муҳофаза қилиш, қулай ва жозибадор сармоя муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ҳам дастурдан ўрин олган.

Учрашувда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети профессори Б.Эгамбердиев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, демократик тамойилларга мос тарзда ўтаётганини таъкидлаб, Президентликка номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган устувор вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни қизғин бормоқда. Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 18 февраль куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг раиси Ж.Иноғомов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Ҳ.Бобохонов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳ.Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг сайловолди дастурида ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, кишиларнинг ташаббускорлигини рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдам асосан кам таъминланган оилалар, қариялар ва болалар учун берилишини таъминлаш, ўз бизнесини ташкил этиш ва турмуш фаровонлигини мустақил таъминлашга интилувчи меҳнатга лаёқатли фуқароларга имтиёзли кредитлар ва мақсадли фоизсиз ссудаларни ажратишни янада ривожлантиришни таъминлаш каби қатор устувор вазифалар белгиланган.

Учрашувда Шайхонтоҳур туманидаги 44-оилавий поликлиника бош шифокори М.Раҳматуллаева, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари директори С.Бобоқулов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётгани, миллий сайлов тизимимиз халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини таъкидлаб, 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА БРИТАНИЯНИНГ ТАЪЛИМ ҲАМДА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонасида Ўзбекистон ва Британиянинг таълим ҳамда маданият соҳаларидаги ҳамкорлиги мавзусига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Британия Кенгаши ва Британия - Ўзбекистон жамияти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур маросимда Буюк Британия парламенти, ҳукумати, ишбилармон, эксперт ва маданий ва жамоатчилик доиралари вакиллари, журналистлар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Ваҳобов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг аъзолари иштирок этдилар.

Мамлакатимиз дипломатия миссиясининг раҳбари тадбир иштирокчиларини қутлар экан, Ўзбекистон бугунги кунда ўз тараққиётининг муҳим босқичини босиб ўтаётганини қайд этди. У 2014 йилнинг декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар хусусида тўхталар экан, мазкур сиёсий тадбир натижаларига кўра икки палатали парламентнинг таркиби янгиланган, тажрибали депутатлар билан бирга мустақиллик йиллари давомида шахс сифатида шаклланган ёш ва ғайратли юртдошларимиз ҳам парламентдан жой олишганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон элчиси республикамизнинг навбатдаги муҳим воқеа, яъни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови арафасида турганини тадбир иштирокчиларига маълум қилар экан, унда парламентдан жой олган тўрт сиёсий партиянинг номзодлари қатнашишини айтди.

Тадбир чоғида Ўзбекистоннинг таълим-тарбия соҳасида эришган муваффақиятларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари ва бой маънавий меъроси ҳамда жаҳондаги илғор тажриба ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур асосида таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинганлиги қайд этилди. Тадбир иштирокчилари республикамизда университет, институт, коллеж, лицей ва мактабларнинг кенг тармоғи яратилгани, уларда ўз мамлакатининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилиб олган ёш авлод вакиллари таҳсил олаётгани билан яқиндан танишдилар.

Шу ўринда Буюк Британия билан таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг, хусусан, Британия Кенгаши, Кембридж, Оксфорд, Бирмингем, Лондон Метрополитэн, Бата, Ливерпул, Ноттингем олий ўқув юртлари ҳамда Лафборо университети ҳузуридаги Лондон Дипломатия ва халқаро бошқарув академияси ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида ўзбек халқининг буюк аждоди Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллигига бағишланган маданий лойиҳа ҳам тақдим этилди. «Аждодларимиздан завқ олганлар: Хандани Бобур» номли мазкур лойиҳа Британия-Ўзбекистон жамияти ва «Zoraste Joaillerie» Франция - Британия компанияси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг қўллаб-қувватлаш асосида ташкил этилди. У Бобур ҳаётининг Буюк Британия китобхонларига ҳали тўла маълум бўлмаган илк даврларини ўрганишни кўзда тутгани баробарида Бобурийлар сулоласи тарихи бўйича британиялик ва европалик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларини ҳам ўзида акс эттирган. Алоҳида қайд этиш керакки, Бобур ва унинг авлодлари маданият ҳамда санъатнинг ҳомийлари сифатида қолдирган меросни тадқиқ этиш ушбу лойиҳанинг муҳим бир бўлаги бўлди.

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Марк Кросси тадбир қатнашчилари олдида сўзга чиқар экан, мамлакатимизнинг таълим соҳасида қўлга киритган ютуқларига ҳамда Ўзбекистон ва Британиянинг бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорлиги даражасига юқори баҳо берди.

— Менга Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари бўлиб ишлаш бахти насиб этди, — деди у. — Ўзбек шерикларимиз билан инглиз тилини ўқитиш тизимини ривожлантириш бўйича биргаликдаги самарали ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш ниятидаман. Ўзбекистон делегациясининг Лондонга ташрифи чоғида олий таълим сифатини ошириш, ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш, шунингдек, икки мамлакат илм аҳли ва тадқиқотчилари ўртасидаги ўзаро алоқалар кўламларини янада кенгайтириш сингари соҳалардаги ҳамкорлик ва уни янада ривожлантиришга доир муҳим лойиҳалар муҳокама этилди. Санъат соҳасида ҳамкорлигимизнинг йўлга қўйилиши янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Тез орада британиялик рассом ва ҳайкалтарош Генри Мурнинг кўргазмасини очишни режалаштирганмиз.

«Zoraste Joaillerie» фирмасининг асосчиси Зохра Докси Бобур ва Бобурийлар сулоласининг ҳаётий тарихи ва мероси кўп асрлар давомида нафақат Буюк Британиянинг, балки бутун Европанинг олимларини, тилшунослар, санъат аҳлининг эътиборини ўзига тортиб келаётганини таъкидлади.

— Бобурийлар давлатчилик ва адабиёт соҳасидаги фаолиятларидан ташқари ноёб безаклар ва заргарлик буюмларининг уста ва ҳунармандларини, наққошу меъморларни қўллаб-қувватлайдиган нозик табиатли ва юксак дидли инсонлар сифатида ҳам тарих саҳифаларида қолишган, — деди у. — Виктория, Альберт ва Британия музейларида ана шундай кўплаб ноёб топилмаларни учратиш мумкин. Бундай бой тарихий мерос, шунингдек, Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган ўзбек маданияти ва санъатига бағишланган турли кўргазмалар мени Шарқ ва Ғарб маданияти таркибий қисмларини ўзида мужассам этган заргарлик буюмларининг нодир коллекциясини яратиш сари руҳлантирган эди. У Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар халқларининг рамзларини, шакл ва анъанавий нақшларини ҳам қамраб олган.

Британияда нашр этиладиган «Дипломат» журналининг ижодий ходими Джонатан Фрайер мазкур тадбир маълумотларга жуда бой бўлганини қайд этди. «Хусусан, Бобур ва Бобурийлар сулоласининг бебаҳо мероси ҳақида кўпгина янги далил ва рақамлар менда катта таассурот қолдирди, деди у. Бугунги тадбир 2013 йили юртингизда ўтказган кунларимни, яъни Буюк Ипак йўли саёҳат дастури доирасида бир гуруҳ сайёҳлар билан бирга Самарқанд ва Бухоро бўйлаб сафарим чоғида орттирган илиқ хотираларимни ёдга солди. Дарҳақиқат, юртингиздаги меъморий обидаларнинг гўзаллиги, ўзбек халқининг бой маданияти ва самимий меҳмондўстлиги ҳайратланарлидир».

«Жаҳон» АА,
Лондон

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ — ЭЛ-ЮРТИМИЗ ФАРОВОН КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2014 йилда бўлиб ўтган сайлов аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалганидан яққол далолат беради. Сайлов натижалари мамлакатимиз ва халқимизнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини, қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайдиган демократик давлат барпо этиш тарафдори эканини яна бир бор намоён этди.

Шу билан бирга, парламент сайлови ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани, бу жараёнда сиёсий партияларнинг иштироки, уларнинг фаолияти ва истиқболдаги дастурий йўналишларини баҳолашда фуқароларнинг талабчанлиги қанчалик ошганини кўрсатди.

Буларнинг барчаси Президент сайловида иштирок этишга қарор қилган сиёсий партиялардан сайлов кампаниясида нафақат ўз фаоллигини кучайтириш, балки бу борада ўз фаолиятини, Президентликка кўрсатилган номзодларнинг ўз сайловолди дастурларини янада юксак сиёсий даражага кўтаришни талаб этмоқда.

– Айтингчи, Президент сайловини демократия принципларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказишни кафолатлайдиган ҳуқуқий асос нимадан иборат?

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси миллий сайлов тизимининг фаолият юритиши ва жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик ривожлантиришда, шубҳасиз, асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Бош Қомусимизда, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида давлат раҳбари сайлови жараёнини тартибга соладиган қонунлар тўплами шакллантирилди. Биринчи навбатда, бу «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қатор қонунчилик ҳужжатларидир.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилиги асосини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган бошқа халқаро ҳуқуқ ҳужжатларида мустаҳкамланган ва жаҳонда эътироф этилган муҳим демократик принциплар ташкил қилади.

Халқаро демократик стандартларнинг Ўзбекистонда сайлов тўғрисида қабул қилинган қонунларга автоматик равишда киритилмасдан, балки халқимиз маданияти, анъаналари ва истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат ҳамда жамият қуриш бўйича тўпланган миллий тажрибамиз инобатга олинган ҳолда имплементация қилингани уларнинг ҳаётий ва таъсирчан бўлиши учун катта аҳамиятга эгадир.

Масалан, чет эллик мустақил экспертларнинг фикрича, бугунги кунда Ўзбекистон сайлов қонунчилиги демократияга мувофиқлик даражаси бўйича дунёнинг кўплаб ривожланган давлатларининг сайлов тўғрисидаги қонунларидан устундир.

Мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган барча қонунчилик ҳужжатлари адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиши, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга эса сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Қонунчилигимизда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган ҳамда фақат қонунга бўйсунадиган мустақил сайлов комиссиялари тизимининг мустаҳкамлаб қўйилгани миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусиятидир.

– Сўнгги йилларда сайлов қонунчилигимизга қандай ўзгартишлар киритилди?

– Мамлакатимиз ва жамиятимизни жадал суръатлар билан модернизация қилиш ҳамда янгилаш миллий қонунчилигимиз, жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштиришни давом эттириш зарурлигини тақозо этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилда қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида бу борадаги тегишли вазифалар белгиланган.

Ушбу дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, кўппартиявийлик тизимини янада мустаҳкамлашга доир белгилаб берилган чора-тадбирлар муҳим аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда Конституциямизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқ амалга ошириш, сайловолди ташвиқотини ўтказишда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларни тенг шароитлар билан таъминлаш самарадорлигини ошириш, сайловлар давомида ошкоралиқни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш учун ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига жаҳон амалиётида илк бор бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Марказий сайлов комиссиясига бу борада мутлақ ваколатлар берилган. Мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланди. Буларнинг барчаси сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайловларнинг демократлигини таъминлаш кафолатларини янада кучайтирди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти ва сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган барча тадбирлар қонун, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури билан тартибга солинмоқда.

Дастурда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сайлов қонунчилигида белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда ва аниқ жадвал асосида тегишли барча тадбирлар, шунингдек, ушбу тадбирлар учун масъул тузилмалар белгиланди. Бу сайлов кампаниясини юксак демократик даражада ташкил этиш, округ ва участка сайлов комиссияларининг самарали фаолият кўрсатиши, сайлов жараёни иштирокчилари – Президентликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар ва бевосита сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириши учун зарур шароитлар билан таъминлаш имконини бермоқда.

Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 сайлов округи, округ сайлов комиссиялари, ушбу комиссиялар эса, ўз навбатида, 9058 сайлов участкаси ва участка сайлов комиссияларини ташкил қилди. Ҳар икки даражадаги комиссиялар таркибига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тавсиясига асосан жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган кишилар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам 44 сайлов участкаси тузилди.

Миллий қонунчилигимизга биноан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатларни тақдим этган мамлакатимизда фаолият юритаётган барча тўрт партия – Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига сайловда иштирок этиш учун рухсат берилди.

Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари – съезд ёки қурултой томонидан амалга оширилди. Сўнгра номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо варақалари тўпланди. Қонунга биноан ҳар бир сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари мамлакатимизнинг камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилмасини ифода этадиган жами сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизи имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Сиёсий партиялар имзо варақаларини зарур ҳужжатлар билан биргаликда номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тақдим этди. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддатда текшириб чиқди ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса берди. Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлари эса имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширди.

Марказий сайлов комиссиясида 14 февраль куни бўлиб ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш ва сайлов кампанияси даврида Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

– Сайлов кампаниясининг моҳиятига кўра унинг энг муҳим босқичларидан бири – сайловолди ташвиқоти бошланди. Шу ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.

– Сайлов кампанияси бир-бири билан ўзаро боғлиқ тизимли жараённи ифода этади. Бу босқичлар орасида сайловолди ташвиқоти алоҳида ўрин тутади. Бу жараёнга барча демократик давлатлар, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ташвиқот номзодларга сайловчиларни ўз сайловолди дастури билан таништириш имконини беради.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Президентликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, Президентликка номзодларни сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароит билан таъминлаш мақсадида уларга ўз дастурлари билан чиқиш қилиши учун Миллий телерадиокомпаниянинг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телерадиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилди, «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида бир хил – 10 саҳифагача нашр майдони ажратилди.

Шунингдек, Президентликка номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун тенг ҳуқуққа эга. Ҳар бир номзод 15 нафаргача ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради, турли ташкилотларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилади.

– Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралиги амалда қандай таъминланмоқда?

– Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган барча жараёнлар очиқ, ошкора ва транспарентлик асосида ўтказилади. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти, сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва уларнинг иш вақти ҳақида маълум қилади, сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати билан таништиради, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништириб, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Ўтган йиллардаги сайлов кампаниялари, жумладан, 2014 йилда ўтказилган парламент сайлови давомида мамлакатимиз ва чет эл жамоатчилигини сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида кенг хабардор қилиш учун Марказий сайлов комиссияси ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги бўйича янада бой тажриба тўпланди. Мамлакатимиз Президенти сайлови бўйича 2015 йилги сайлов кампаниясини ҳар томонлама холис ёритиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва «Жаҳон» ахборот агентлиги билан икки томонлама шартномалар тузди. Ушбу шартномаларда сайлов жараёнини тартибга соладиган миллий қонунчилигимизни аҳоли ўртасида кенг тушунтириш кўзда тутилган. Нодавлат оммавий ахборот воситалари, биринчи навбатда, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси таркибига кирадиган ахборот воситалари ва ахборот-таҳлил интернет-нашрлар сайлов жараёнини ёритишда фаоллик кўрсатмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида – округ сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам шундай матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси Президент сайловини ёритиш учун мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакилини аккредитациядан ўтказди.

Марказий сайлов комиссияси дастурига мувофиқ, сайлов ташкилотчилари – округ ва участка сайлов комиссиялари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, журналистлар учун мавзуга оид семинарлар ўтказилмоқда. Бу миллий сайлов қонунчилигимизга киритилган сўнгги ўзгартишлар, сайлов комиссиялари олдида турган вазифалар, жумладан, оммавий ахборот воситалари иштирокида сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш вазифалари ҳақида уларнинг хабардорлигини оширишга ёрдам беради.

Сайлов кампанияси давомида миллий қонунчилигимизга сўзсиз риоя этиш ва фуқароларимиз, жумладан, ёшларнинг ўз ҳаётий ва сиёсий позициясини намоён этиши бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини демократия принципларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказиш ва пировард натижада мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ва изчил демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имконини беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА
суҳбатлашди

Тадбирлар

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ — ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида юқоридаги мавзуда тадбир бўлиб ўтди.



Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирни ўтказишдан асосий мақсад аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги, истеъмол маданиятини янада юксалтиришдан иборатдир.

Маълумки, истеъмолчи ҳисобланган талаба-ёшлар ҳам кундалик ҳаётда дўконлардан озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, уй-рўзғор буюмлари, электр техника жиҳозлари сотиб оладилар, коммунал, жамоат транспорти, таълим, тиббиёт ва маиший сервис соҳалари хизматларидан фойдаланадилар.

Тадбир давомида талаба-ёшларга Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умида Мансурова Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча бериш билан бир қаторда истеъмолчи ким, унинг ҳақ-ҳуқуқлари нималардан иборат, ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда кимга ва қандай мурожаат қилиш тартиб-қоидалари ҳақида тушунча бериб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, талабаларнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ҳамда маданиятини янада юксалтириш, уларни истеъмолчилар ҳуқуқлари билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардор қилиш, жамият ҳаётидаги рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар мазмунини, мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотлардаги узвийликни чуқур англатиш тадбирнинг бош мақсади бўлди.

— Маълумки, бугунги кунда юртимизда саккиз мингга яқин ННТ фаолият юритмоқда, — дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг Маънавият ва маърифат бўлими услубчиси Хуршида Юсупова. — Булардан энг йирик ташкилотлардан бири Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси бўлиб, ташкилот 14 та ҳудудий бирлашма, 193 та туман (шаҳар) жамиятларидан иборат бўлиб, маҳаллалар, корхона, ташкилотлар ҳамда муассасаларда 5971 та таянч гуруҳларига эгадир.

Ўзбекистон ИҲҲҚЖ федерацияси томонидан ёшларнинг ҳуқуқий билим олишига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда соҳага оид меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида корхона-ташкилот, маҳаллалар ва ўқув муассасаларида ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, қизиқарли учрашувлар, мулоқотлар ташкил этилмоқда. Айниқса, юртимизда ёшлар сиёсати ва уни амалга ошириш каби давлат аҳамиятига молик масалаларга катта эътибор берилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, уларнинг ечимини топишда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида Федерация ва унинг барча қуйи тузилмаларида ишонч телефонлари, шунингдек, фуқароларнинг ариза ва мурожаатларининг электрон почталар орқали қабул қилиниши йўлга қўйилган.

Тадбир давомида талабалар мутахассисларга «Ўқув қуролларига неча фоиз устама ҳақи қўйилади?», «Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳозирда қандай ишларни амалга оширмоқда ва халқаро алоқалар ўрнатганми?», «Компьютеримни созлаш учун устага бергандим. Уста эса мониторини ўзгартириб қўйибди, бундай ҳолда кимга мурожаат қилишим керак?» каби саволлар билан мурожаат этишиб, батафсил жавоблар олишди.

Таъкидлаш жоизки, очиқ давра суҳбати тарзида ўтказилган тадбир талаба-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва истеъмол маданиятининг янада юксалишига хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент шаҳар ҳокимининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳридаги ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича барча профилактик тадбирлар амалга ошириб келинаяпти. Шунга қарамасдан, айрим ёшлар, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар содир этиш, улар орасида тарбияси оғир, дарсларга мунтазам равишда қатнашмайдиган болаларнинг ўзлари билан ўткир тиғли ва инсон ҳаёти ҳамда соғлиғига хавф етказиши мумкин бўлган турли буюмларни ёнларида олиб юриш ҳолатлари учрамоқда. Бу ҳолат кишиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Тошкент шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш, шунингдек, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2010 йил, 39-сон, 341-модда), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 19 май, 20-сон, 221-модда) Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2124-сонли Қарори талабларига асосан, ёшлар, айниқса вояга етмаганлар хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш мақсадида, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳридаги умумтаълим ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўткир тиғли ва инсон ҳаётига хавф етказиши мумкин бўлган буюмлар (совуқ қуроллар таркибига кирувчи пичоқ, ханжар, бигиз ва кастет, бита, тўқмоқ), инсон соғлиғига қарши таъсир этувчи кимёвий моддалар (махсус сачратгувчи газ ва бошқалар) ҳамда электр токи ўтказувчи жиҳозлари (махсус электр ток ўтказувчи мослама) (кейинги ўринларда – «тақиқланган буюмлар» деб юритилади) олиб киришни белгиланган тартибда тақиқлаш чоралари кўрилсин.

2. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси (Ф.Иноятов), Халқ таълими бош бошқармаси (И.Акбаров), Вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар комиссияси (А.Юсупов), туман ҳокимлари, Тошкент шаҳар ИИББ (М.Адилов) билан биргаликда:

таълим муассасаларида ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида маънавий-ахлоқий хислатларни бузувчи, зўравонлик, шафқатсизлик ва порнографик, шунингдек, сохта диний мафкурани тарғиб қилувчи, ўқувчи ёшларни салбий ҳаракатларга ундовчи ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида, таълим муассасалари биносига кириш-чиқиш тартиби қоидалари ишлаб чиқилсин ва таълим муассасасининг ички қоидаларига ўзгартиришлар киритилиши таъминлансин;

ёшлар, айниқса вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи турли ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, таълим муассасасининг кириш-чиқиш тартибини амалда жорий қилиш мақсадида, масъул ходимлар ва ички ишлар органлари профилактика инспекторлари бўлган махсус ишчи гуруҳлар тузилсин;

ўқувчиларни бинога кириш жойида тақиқланган буюмларни олиб кирилишини олдини олиш юзасидан тузилган махсус ишчи гуруҳлар томонидан тегишли чоралар кўрилсин;

ўқувчилар ёнида тақиқланган буюмлар аниқланган тақдирда, белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, олиб қўйиш чоралари кўрилсин ва ота-онаси хабардорлигида яшаш манзилидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясига ҳужжатлар юборилиши таъминлансин;

ҳафтада камида бир марта жойларда махсус ишчи гуруҳ аъзолари иштирокида маънавий-ахлоқий хислатларни бузувчи, зўравонлик, шафқатсизлик ва порнографик, шунингдек реакцион-сектант, сохта диний мафкурани тарғиб қилувчи, атрофдагиларни салбий ҳаракатларга ундовчи материаллардан иборат бўлган, кўргазма, фон сифатида хизмат қилувчи расмлар, аудио-видеоёзувлар, чизма ва суратли тасвирлар, овозли видео роликларни намойиш қилиниши ва тарқатишини олдини олиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилсин;

туман ҳокимликлари ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия мажлисларида таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг ёнидан тақиқланган буюмлар ҳамда ўқувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи, маънавияти ва хулқига хавф солиши мумкин бўлган бошқа предметлар топилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар фавқулодда ҳодиса сифатида танқидий ва кескин муҳокама қилиниши таъминлансин;

таълим муассасаси педагог ходимлари ва ўқувчиларни кийиниш маданиятига риоя этилиши, таълим муассасасининг ички-тартиб қоидаларига амал қилиниши доимий равишда ўрганиб борилсин.

3. Вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар комиссияси (А.Юсупов), туман ҳокимлари, Ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов), Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (Б.Мамажонов), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими (Ж.Иноғомов), «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши (М.Зупаров) билан ҳамкорликда:

Мазкур қарор қонуний кучга кирган кундан бошлаб, инсон ҳаётига хавф етказиши мумкин бўлган тақиқланган буюмлар, турли ҳолатларда инсонларга қарши ишлатилганда қандай оқибатларни келтириб чиққанлиги ва келиб чиқиши мумкин бўлган ҳодисалар ҳақида аҳоли, ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида, яшаш ва иш жойларида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиши кучайтирилсин.

4. Ички ишлар бош бошқармаси (М.Адилов):

Юқоридаги ҳолатлар юзасидан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонуний таъсир чораларини қўллаш таъминлансин.

5. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

7. Мазкурқарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқулов ва Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи М.Адилов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2015 йил 5 февраль

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2015 йил 24 март куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: I. Сергели туман СИБ томонидан, 2015 йил 27 январь кунги 10-1417/13700-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 23-уйда сақланаётган: 1. 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 978 MCA бўлган «Xowo» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 177 083 333,33 сўм. 2. 2013 йилда и/ч дав. бел. 36 79 HE бўлган «Погрузчик LW300FN» русумли транспорт воситаси. Бошланғич нархи 89 403 754,81 сўм. 3. 2013 йилда и/ч дав. бел. 01 697 RCA бўлган «Xowo Sinotruk» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 179 695 833,33 сўм. II. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2014 йил 15 сентябрь кунги 17429-30/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Феруза Барака» МЧЖда сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 A 266 CA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 14 136 000 сўм.

2015 йил 10 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда: I. Сергели туман СИБ томонидан, 2014 йил 26 март кунги 10-1414/2296-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўртачирчиқ тумани, Абай маҳалласида сақланаётган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 28-22 TH бўлган «БТ-150» русумли трактор воситаси. Бошланғич нархи 42 000 000 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан, 2014 йил 31 июль кунги ижро варақага асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 323 EAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 770 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 044 EAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 31 834 800 сўм. 3. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 044 NBA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 32 639 400 сўм. 4. 1988 йилда и/ч дав. бел. 01 516 BBA бўлган «Камаз 5511» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 652 600 сўм. 5. 1983 йилда и/ч дав. бел. 01 993 TAA бўлган «AMTC ГБАММЗ 4502» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 467 600 сўм. III. Сергели туман СИБ томонидан, 2013 йил 1 март кунги 10-1310/219-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, Қумариқ кўчаси, 3-уйда сақланаётган: 1. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 802 XBA бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 2 707 802 сўм. 2. 1992 йилда и/ч дав. бел. 01 811 XBA бўлган «Газ 2410» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 254 273 сўм. 3. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 661 XBA бўлган «Мидибус М24» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 075 063 сўм. IV. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 2014 йил 24 март кунги 1739/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 3-уйда сақланаётган: 1. 2003 йилда и/ч дав. бел. M0053 бўлган «Хундай H1» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 034 366 сўм. 2. 2003 йилда и/ч дав. бел. M0084 бўлган «Хундай H1» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 290 124 сўм. 3. 2001 йилда и/ч дав. бел. M3727 бўлган «Тойота Ленд Крузер» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 48 233 689 сўм. 4. 2001 йилда и/ч дав. бел. M3915 бўлган «Тойота Ленд Крузер Лексус» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 49 007 244 сўм. 5. 2005 йилда и/ч дав. бел. M4896 бўлган «Тойота RAV4» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 566 736 сўм. 6. 2002 йилда и/ч дав. бел. M5144 бўлган «Тойота Рав4» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 890 109 сўм. 7. 1996 йилда и/ч дав. бел. M6050 бўлган «Форд» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 50 004 700 сўм. 8. 2008 йилда и/ч дав. бел. M7210 бўлган «Isuzu Saz NP 37 Мидубус» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 946 700 сўм. 9. 2008 йилда и/ч дав. бел. M7211 бўлган «Isuzu Saz NP 37 Мидубус» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 946 700 сўм. 10. 2008 йилда и/ч дав. бел. M7933 бўлган «SAZ NPR 66LL» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 37 327 500 сўм. 11. 2002 йилда и/ч дав. бел. M9045 бўлган «Тойота Ленд Крузер» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 632 801 сўм. V. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, «Феруза Барака Сервис» МЧЖда сақланаётган: 1. 2013 йил 16 октябрь кунги 62989/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 O 862 FA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 576 917 сўм. 2. 2013 йил 22 август кунги 58980/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 T 836 LA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 978 733 сўм. 3. 2014 йил 7 январь кунги 613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 A532 GA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 869 440 сўм. 4. 2011 йил 15 август кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 A 351 бўлган «SK 24» русумли ярим тиркама. Бошланғич нархи 23 040 350 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан ариза ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29.

Гувоҳнома: 006388.

Билдиришнома

«Ишонч» газетасининг 2015 йил 10 январдаги 5-сонида, «Тошкент оқшоми» газетасининг 2015 йил 8 январдаги 5-сонида ва «Биржа» газетасининг 2015 йил 8 январдаги 2-сонида чоп этилган «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан берилган хабарномадаги 5-хатбошидаги Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасига тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 55-уй ёнида жойлашган, қурилиши тугалланмаган савдо дўкони бино ва иншоотининг умумий майдони ***«1099 кв.метр»*** *деб ўқилсин.*



"Қибрай" клиник санаторийси юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир.
Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Фин, турк, япон сауналари, бассейн, жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.
Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд.
Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.





Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг "Буюк Ипак йўли" бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида "Дача" бекатига бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.
Хизматлар лицензияланган

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонаси томонидан 2013 йил 10 сентябрдан бошлаб онлайн-аризаларни қабул қилиш тизими амалиётга татбиқ этилган бўлиб унга кўра жисмоний ҳамда юридик шахслар кўчмас мулк билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун пойтахтимиздаги кўп қаватли уйлардаги квартиралар ҳақида 18-шакл-даги маълумотномаларни олиш имкони яратилди.

Кадастр ҳужжатини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун аризалар odnookno.uz интернет саҳифасида жойлаштирилган аризаларни қабул қилиш онлайн-сервиси орқали амалга оширилади.

Белгилаган шаклдаги маълумотномани олиш учун онлайн-аризани юбориш кифоя бўлиб, кўрсатилган хизмат учун тўловни «Ипотека банк»нинг барча бўлимларида амалга ошириш ҳамда тайёр бўлган маълумотномани белгиланган муддатда олиб кетиш мумкин. Аризанинг ижросини кўриб чиқиш ишларини унинг махсус рақами ёрдамида кузатиб бориш мумкин.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 2015 йил 30 январдаги 23(12.836)-сонида чоп этилган хабарнома билан «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино-1 мавзеси, 1 А-уйда жойлашган, умумий майдони 97.17 кв.м, яшаш майдони 55.77 кв.м бўлган 4 хонадан иборат 15-хонадон аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз.

Савдодан олишга асос: Шайхонтоҳур тумани СИБнинг 2015 йил 17 февралдаги 8378-83/25-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1 А-уй. Тел: 228-80-26.

Лицензия: RR-0001.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер олувчилар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Олмазор, Яшнобод, Сергели, Мирзо Улуғбек, Бектемир туманларида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участлари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13

«SHIFOKOR-82» МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 2-уй, 74-хонадон манзилидаги шохобчасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш кенгашининг 16.10.2007 йилдаги 14-сон қарори билан рухсат этилган №УП3666-сонли лицензиясига илова сифатида дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш фаолияти билан шуғулланиш бўйича рухсат этилганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси йўқолганлиги учун **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Учинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Савол:

Тошкент шаҳридаги қайси олий таълим муассасаси биринчи бўлиб ташкил топган ва нечанчи йили иш бошлаган?

Спорт янгиликлари

РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Грузиянинг Тбилиси шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқич баҳслари давом этмоқда.

Мусобақада дунёнинг энг кучли 12 гроссмейстери – ўзбекистонлик Рустам Қосимжонов, россиялик Евгений Томашевский, Александр Гришук, Дмитрий Андрейкин, Дмитрий Яковенко, Пётр Свидлер, озарбойжонлик Шаҳриёр Мамедяров, Теймур Ражабов, голландиялик Аниш Гири, франциялик Максим Вашье-Лаграв, кубалик Леньер Домингес Перес ва грузиялик Баадур Йобава бир даврали тизимда ўзаро рақобатлашмоқда.

Мусобақанинг иккинчи турида шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов озарбойжонлик Шаҳриёр Мамедяровни қора доналарда мағлубиятга учратди ва мазкур турда ғалаба қозонган ягона шахматчи бўлди. Қолган баҳсларда дуранг натижа қайд этилди.

Шу тариқа Рустам Қосимжонов 1 очко билан ўн икки нафар гроссмейстер орасида тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Россиялик Евгений Томашевский, Александр Гришук ва голландиялик Аниш Гири 1,5 очко жамғарган ҳолда турнир жадвалида кучли учликда бормоқда. Р.Қосимжонов учинчи турда Аниш Гири билан баҳслашади.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

Пойтахтимиздаги республика шахмат-шашка клубида 8 ва 10 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўз якунига етди.

КЕЛАЖАКНИНГ УМИДЛИ ВАКИЛЛАРИ

Мусобақада юздан зиёд ёш шахмат устолари дона суришди. Учрашувлар швейцарча (9 партиядан иборат) тизимда ўтказилди.

Ўғил болалар ўртасида Акобирхон Сайдалиев (Самарқанд) қўшимча кўрсаткичлар эвазига чемпионатнинг олтин медали билан тақдирланди. Исломбек Синдоров (Тошкент) кумуш, Умарбек Жуманиязов эса бронза медалининг соҳиби бўлди.

Шунингдек, 8 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Лиана Огай чемпионликни қўлга киритган бўлса, Рухшона Раҳимбердиева ва Шаҳзода Баширидинова ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўғил болалар ўртасида эса бугунги кунда халқаро мусобақаларда ғолиб бўлиб келаётган, 11 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги жаҳон чемпиони Жавоҳир Синдоров барча 9 та турда ғалаба қозониб мамлакат чемпионига айланди. Ундан 1,5 очко кам жамғарган Алмас Раҳматуллаев (Тошкент вилояти) эса кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, шу ёшдаги қизлар ўртасида Мафтуна Бобомуродова ва Моҳинур Ниғматуллаевалар бир хил — 8 очкодан тўплашди ва чемпион номини аниқлашда қўшимча кўрсаткичлар инобатга олинди. Натижада Мафтуна Бобомуродова жорий йилда ўтказилган мамлакат биринчилигининг ғолибига айланди.

Абдулазиз МУСАЕВ

«ШУНҚОРЛАР» БЕЛЛАШУВИ

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган.

Шундай хайрли мақсадда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели Ўқув СТК» унитар корхонаси томонидан ташкилот қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Жасорат», «Ватанпарварлик» тўгараги аъзолари ҳамда тумандаги бир қатор мактаблар ўқувчилари ўртасида «Шунқорлар» спорт мусобақаси ўтказилди. Иштирокчилар спортнинг арқон тортиш, қўл жанги, турникка тортилиш, 10 м га югуриш ва ҳарбий чиқиш бўйича куч синашишди.

— «Шунқорлар» мусобақасини ўтказишдан мақсад ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда Ватанга ҳурмат-садоқат ҳисларини шакллантириш, аҳоли, айниқса чақириққача бўлган ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлашдан иборатдир, — дейди МК «Ватанпарвар» ташкилоти «Сергели Ўқув СТК» УК бошлиғи ўринбосари Баҳодир Ёриев.

Қизиқарли ва муросасиз ўтган беллашувда биринчи ўрин 7-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларига насиб этди, 8- ва 285-мактаб вакиллари кучли учликнинг кейинги поғоналарини эгаллашди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Элёрбек ИСМОИЛОВ

АҲОЛИ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида 2014 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда 2015 йилдаги устувор вазифалар белгиланиб, мамлакатимиз фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими барча аъзоларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ҳамда янада мустаҳкамлаш масаласи муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири Т.Худайбергенов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими аҳоли ҳамда ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш борасидаги ишлар сифатини сезиларли равишда оширгани ва мамлакатимиз миллий хавфсизлик тизимининг муҳим таркибий қисмига айланганини таъкидлади. Бугунги кунда ушбу тизим қирқдан зиёд турли вазирлик ва идораларни қамраб олган, табиий офат ва ҳалокатлар оқибатларининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда давлат бошқарув ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорлигини таъминламоқда.

Ўтган йили Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури ижросини таъминлаш доирасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари томонидан ўқув юртлари ва маҳаллаларда Фуқаро ҳимояси кунлари, махсус тактик машғулотлар, суҳбатлар, семинар ва бошқа тушунтириш тадбирлари ўтказилди. Мазкур тадбирлар зилзилалар оқибатида юзага келадиган турли фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича иштирокчиларнинг назарий билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган.

Бундан ташқари, «Ёш қутқарувчи» клублари ташкил этилиб, улар ўртасида илк бор ўтказилган мусобақаларда 29 мингдан зиёд бола иштирок этди. Шунингдек, ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказилган шундай 390 мусобақада 70 мингдан ортиқ мактаб ўқувчиси қатнашди.

2014 йилда автотранспорт воситалари парки янгиланди, барча авария-қутқарув отрядлари янги кучли ёритиш ускуналари, замонавий ғаввослик анжомлари ва бошқа авария-қутқарув воситалари билан таъминланди.

Тадбирда мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг билим ва кўникмасини ошириш борасида салмоқли ютуқларга эришилгани таъкидланди. Масалан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институтининг Қутқарувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази томонидан махсус дастур асосида 244 офицер ва қутқарувчи тайёрланди.

Тадбир доирасида Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институти ҳудудида барпо этилган янги Зилзилани симуляция қилиш марказига экскурсия ташкил қилинди.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **20 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **20 февраль** ва **21 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активи қўйилади:

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 11-а уй манзилида жойлашган собиқ «Нур» мажмуаси бино-иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: умумий майдони – 1886 кв.м.

Бошланғич нархи – 26 981 186 843 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 23 март куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 6, 20 апрель, 4, 18 май, 1, 15, 29 июнь, 13, 27 июль ва 10, 24 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1 «А»-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ходимлари билан биргаликда ишлаб жараёнларида, бошқарма ва корхона ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти

Тошкент Давлат техника университети жамоаси «Маънавият ва маърифат» бўлими бошлиғи Турсунмурод Дониёрович Маматқобиловга падари бузруквори **ДОНИЁР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12863 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ